

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657.5:658(575.11)

РАХИМБЕРДИЕВ ОЙБЕК АЛИШЕР ЎҒЛИ

**ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА МЕХНАТ
УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ШАРОИТИДА ИШ ҲАҚИ
ФОНДИ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

(Акциядорлик жамиятлари мисолида)

**Мутахассислик: 5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва
соҳалар бўйича)**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доц. Хашимов Б.А.

ТОШКЕНТ-2019 ЙИЛ

Мазкур магистрлик диссертация ишида иктисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш, иш ҳақи фонди ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган ҳамда уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришга бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this dissertation, the dissertation has been developed to improve the productivity of the economy in the conditions of modernization of the economy, the specificity of the calculation of the salary fund, and scientific recommendations and practical recommendations on improving the international financial reporting standards.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:

« 1 » - сонли баённома « 30 » 05 2019 йил.

Илмий раҳбар: доц. Б.А.Хашимов



имзо

сана

Магистр: О.А.Рахимбердиев



имзо

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
муdiri проф. Р.Холбеков

“ 28 ” 06 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “ 03 ” 07 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иктисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	4
I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ШАРОИТИДА ИШ ҲАҚИ ФОНДИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1. Иш ҳақини ҳисобга олишнинг мақсади ҳамда вазифалари.....	10
1.2. Хўжалик субъектларида иш ҳақи фондини ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари.....	16
1.3. Иш ҳақи фонди ва унинг қиёсий таҳлили.....	25
1-боб бўйича хулоса.....	32
II БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ ФОНДИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ	34
2.1. ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖда иш ҳақи фондининг дастлабки ҳисобини ташкил этиш.....	34
2.2. Акциядорлик жамиятларида иш ҳақи фонди бўйича ишчи ҳамда хизматчиларга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш.....	37
2.3. Иш ҳақидан ажратмалар ва ушланмалар ҳисоби.....	42
2-боб бўйича хулоса.....	50
III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ШАРОИТИДА ИШ ҲАҚИ ФОНДИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	52
3.1. Иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш....	52
3.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан назоратни такомиллаштириш.....	62
3-боб бўйича хулоса.....	69
Хулоса	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77

Кириш

Мавзунинг долзарблиги ва асосланиши. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида хусусий секторни кенгайтириш, тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, умуман бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш - муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мустақилликнинг илк йилларида Президентимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бугунги кунга келиб ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб негизида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қилинган меҳнатига яраша тақдирлаш масаласи ётади.

Шу мақсадда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”да белгилаб қўйилган “Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, жумладан аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш”¹ йўналиши бўйича олиб борилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан Олий мажлисга мурожаатномасида таъкидлаб ўтганларидек, “Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур.

Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.